

1930 йил
12 майдан
чиқа
бошлаган



Postida

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ИИБ НАШРИ

№ 80 (3310)

1999 йил 22 октябрь, жума

Сотувда эркин нархда

“БИЗ ЎЗ ХУДУДИМИЗНИ ХАЛҚАРО МЕЪЁРЛАР ДОИРАСИДА БИЗДА МАВЖУД БАРЧА УСУЛЛАР БИЛАН ҲИМОЯ ҚИЛАМИЗ”

деб баёнот берди Ўзбекистон Президенти И. Каримов
Москвада нашр этиладиган “Время МН” газетасига

ҲАМКОРЛИК ЙЎЛИДА

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигига Франциядан дивизион комиссар, шу мамлакат ИИБ халқаро техник ҳамкорлик хизматининг иккиёклама алоқалар бўйича бўлими бошлиғи Ж. Гали ва Ташқи ишлар вазирлигининг хавфсизлик бўйича департаменти

муdiri Б. Контаменлардан иборат делегация ташриф буюрди.

Бўлиб ўтган суҳбат чоғида улар ташрифларидан асосий мақсад икки мамлакат ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизимлари ўртасида янада яқин алоқа ўрнатиш, ҳамкорликни ривожлантиришнинг янада ис-

тиқболли соҳалари ва йўналишларини излаш эканлигини айтишди.

Томонлар ҳозирги шароитда фақат тобора халқаро тус олаётган жиноий кўринишларга қарши бир-галикда самарали кураш шундай учрашувлар ҳамкорликни чуқурлаштири-

Халқаро алоқалар

шини, ўзаро ишончни мустаҳкамлашни таъкидладилар.

Республика ИИБ Ташкилий-инспекторлик бошқармасининг бошлиғи, милиция полковниги А. Жўраев меҳмонларни қабул қилди ва учрашувни олиб борди.

Ўз мухбиримиз.

Маърифат дарси



Кеча Республикаимизнинг барча жойларида ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилганига 10 йил тўлиши муносабати билан тантаналар бўлиб ўтди.

ТИЛ БАЙРАМИГА БАҒИШЛАНДИ


Жиззах вилояти ички ишлар бошқармасида ўтказилган навбатдаги “Маърифат” дарси “Давлат тили ҳақида”-ги Қонун қабул қилинганлигининг 10 йиллик санасига бағишланди.

“Давлат тили ҳақида”ги Қонуннинг ҳаётимиздаги аҳамияти, ўз тилимизнинг бой тарихи ва келажаги тўғрисидаги сермазмун маърузалари билан вилоятнинг етуқ тилшунос мутахассислари – вилоят “Маърифат ва маънавият маркази” бошлиғи, профессор Ўрол Носиров, Жиззах Давлат педагогика институти ўзбек тили ва адабиёти ўқитиш методикаси кафедраси муdiri, филология фанлари номзоди, доцент Турсункул Алмаматовлар иштирок этишди ва маърузалар сўнгида байрам тадбири иштирокчиларини қизиқтирган саволларга жавоб бердилар.

Шунингдек, “Тил байрамига” бағишланган тадбирда вилоят ИИБ қошидаги “Азиза” болалар боғчаси тарбияланувчилари ўзларининг она тили байрамига бағишланган шеър ва қўшиқлари билан иштирок этишди.

Б. ШОДМОНОВ,
милиция майори.

ГЕНЕРАЛ СУЛТОНОВ ХОТИРАСИГА



Андижон вилояти ИИБдаги навбатдаги “Маърифат” дарси милиция генерал-майори Мухтор Насруллаевич Султонов хотирасига бағишланди.

Хотира тадбирига Султонов билан бирга хизмат қилган ички ишлар идоралари фахрийлари таклиф этилди.

М. Н. Султонов билан ўзоқ йиллар сафдош бўлган истеъфодаги милиция полковниги Араббой Мавлонов марҳумнинг ҳалол, талабчан, қўл остидагиларга ғамхўр бўлганлиги ҳақида гапириб берди.

Кейин сўзга чиққан истеъфодаги милиция подполковниги Шамшитдин Асқаров М. Султоновнинг изланувчан, ташаббускор, ўз касбининг фидойиси бўлганлигини эслди.

Андижон вилояти ИИБ ходимлари бир дақиқа сукут сақлаб, милиция генерал-майори М. Н. Султоновни ёд этишди.

Б. КЛЕЙМАН,
Андижон.

Бош муҳаррир минбари

БАТАН САРҲАДЛАРИ – МУҚАДДАС

Кейинги пайтда Қирғизистон жанубида ғалати воқеалар рўй бермоқда. Бир томондан мамлакат Қуролли Қучлари чегараларни мустаҳкамлаш, аҳоли хавфсизлигини таъминлаш, кўпуровчи ва террорчилар тўдалари бостириб кириши мумкин бўлган йўللар ва гиёҳвандлик моддалари савдо қилинадиган йўналишларни беркитиш чораларини кўраётти, бошқа томондан эса жангарилар ва террорчиларнинг гаровга олинганлар билан чегарадан деярли ҳеч қандай қаршиликларсиз ўтиб олишига йўл қўйилмоқда. Буларнинг барчаси халқимизни ҳайратга солиб, ташвишлантирмасдан қолмайди.

Диққатга сазовор жойи шундаки, бу воқеалар босқинчи тўдалар ортида катта ҳарбий ва молиявий қувватга эга бўлган Афғонистон ва бошқа қўшни давлатлардаги халқаро террорчилар ҳамда экстремистик марказлар туриб, ўз кўпуровчилик ҳаракатларини тўхтатмаётган ва янги ҳудудларни босиб олишга қаратилган диний экстремизм, фанатизм ва терроризм мафжураси билан йўғрилган, ўзоқ муддатли стратегик режасидан воз кечмаётган бир пайтда содир этилмоқда.

Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги баёнотида таъкидланганидек, Қирғизистон жанубига қурол билан бостириб кириш яна қайтарилади, хусусан, бу кейинги йил баҳорида, Тожикистон билан чегарадаги довол очилиши билан рўй беради, дейиш учун барча асослар бор.

Юзага келган ушбу ташвишли ва хавфли вазият, дейилади баёнотда, хавфни келтириб чиқараётган манбалар хусусида чуқур мулоҳаза юритиш, уни бартараф этиш бўйича биринчи галда Қирғизистон билан иттифоқдош давлатлар ўртасидаги халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш ҳамда қучларни мувофиқлаштириш юзасидан кечиктириб бўлмайдиган чоралар кўришни талаб этади.

Минтақадаги вазият яна қай даражада мураккаблашиши мумкин? Марказий Осиёда уруш бошланиш хавфи йўқми? Москвада нашр этиладиган “Время МН” газетасининг мухбири Ўзбекистон Президенти ага шундай савол билан мурожаат қилди. Ўртбошимиз ушбу саволга, хусусан, бугун халқаро терроризм марказлари диний экстремизм марказлари билан қўшилиб кетди, деб жавоб берди.

Ҳозирда бу фикрга ким ҳам қўшилмайди, дейсиз. Зеро, “соф” ислом учун кураш ниқоби остида террорчилар сафидан ўз динининг ҳақиқий кадр- қимматини тасаввур қилолмайдиган ёшлар ўрин олмақдалар. Уларни ҳеч ўйла-масдан ҳар қандай кўпуровчилик ҳаракатига, осуда ухлаётган кишилар, болалар ва аёлларни қатл этишга тайёр ҳақиқий зомбиларга айлантирмоқдалар.

Айнан шундай террорчилар ва экстремистлар Қирғизистон жанубига бостириб кирдилар, у ерда талончилик ва босқинчилик қилдилар, аёлларни зўрладилар, қирғизларни ўлдирдилар. Президентимиз Москва газетасига берган интервьюсида, шунингдек, биз ўз ҳудудимизни халқаро меъёрлар доирасида бизда мавжуд барча усуллар билан ҳимоя қиламиз, деб айтди.

Шуни эътиборга олиб ҳукуматимиз томонидан мамлакатимиз ҳудуди ва чегараларида хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш мақсадида уларни мустаҳкамлашга қаратилган қўшимча чоралар кўрилмоқда.

Халқаро терроризм ва экстремизмнинг тобора авжга чиқаётгани жаҳон ҳамжамияти томонидан ҳам кескин қораланмоқда. Ўтган ҳафтада БМТ Хавфсизлик Кенгаши Афғонистон бўйича “Толибон” ҳаракатидан халқаро террорчи Бен Ладенни топшириш талаб қилинган резолюция қабул қилди.

Қабул қилинган резолюцияга мувофиқ толибларга биринчи рақамли террорчини Америка одил судига топшириш учун шу йилнинг 14 ноябргача муддат берилди. Муштарийларимизнинг ёдида бўлса, Бен Ладен АҚШнинг Кения ва Танзаниядаги элчихоналарида ўтган йили содир этилган террорчилик ҳаракатларини ташкил этишда шубҳаланмоқда. Ушбу террорчилик ҳаракатлари оқибатида 225 киши ҳалок бўлиб, 4 мингдан ортиқ киши жароҳат олган эди.

Мақкур кўпуровчилик содир этилгандан сўнг АҚШ Бен Ладеннинг Афғонистондаги базаларига ракета зарбалари берди. Давлат департаменти Бен Ладенни қўлга олишга ёрдам берадиган маълумот учун беш миллион АҚШ доллари миқдорида мукофот эълон қилди. Шу билан бирга Вашингтон “Ариана” афғон миллий авиакомпаниясининг ҳисоб рақамларини ёпиб қўйди ва Афғонистон билан савдо-сотиқ қилишни ҳамда “Толибон” ҳаракати назоратидаги ҳудудларга Америка компаниялари томонидан сармоя киритилишини тақиқлади.

Агар Афғонистон Бен Ладенни 14 ноябргача топширмаса, БМТ “Толибон” ҳаракатининг хорижий банклардаги ҳисоб рақамларини ёпиб қўяди ва Қўбулга барча халқаро авиақатновлар бутунлай тўхтатилади. Хавфсизлик Кенгаши, шунингдек, толиблардан халқаро террорчиларнинг машқ лагерларини Афғонистон ҳудудида жойлаштиришдан воз кечишни талаб қилди. БМТдаги дипломатлар Афғонистон бўйича резолюция ўз вақтида, яъни халқаро терроризм авжга чиққан бир пайтда қабул қилинди, деб ҳисоблашмоқда.

Биз ҳам БМТ резолюцияси нафақат ўз вақтида, балки қонуний қабул қилинган, деб айта оламиз. Ҳатто диний либосдаги терроризм ва экстремизм ақли расо одамларнинг табиатиға эйдир. Шу боис, инсониятга катта талафот келтираётган бу иллатларга ер юзида жой йўқ. Агар улар эс-хушларини йиғиб олмасалар, ўлим ва босини тарқатиш, тинч аҳолиға қайғу ва ташвиш келтиришни тўхтатмасалар йўқ қилинадилар. Бу ҳам қонунийдир. Шу билан бирга адолатдан, деб ҳисоблаймиз.

Ватанимиз – мустақил Ўзбекистоннинг муқаддас сарҳадларига тажовуз қилмоқчи бўлганлар бир нарса – уларни оғир жазо кутаётганини унутмасликлари зарур.

ШИРИН МУҲАББАТНИНГ
15 АЧЧИҚ МЕВАСИ
Postida TV

“БИЗ ЎЗ ХУДУДИМИЗНИ ХАЛҚАРО МЕЪЁРЛАР ДОИРАСИДА БИЗДА МАВЖУД БАРЧА УСУЛЛАР БИЛАН ҲИМОЯ ҚИЛАМИЗ”

деб баёнот берди Ўзбекистон Президенти И. Каримов Москвада нашр этиладиган “Время МН” газетасига

Уч ойдири Қирғизистонда ҳукумат қўшинлари ва Тожикистон ҳудудидан у ерга кириб борган қуролланган диний экстремистлар тўдалари ўртасида тўқнашувлар давом этмоқда. Бишкекдан “Время МН” газетаси мухбирининг хабар беришича, республика жанубидаги вазият ўта қарама-қарши кўринади, ҳарбийларнинг жангариларни сиқиб чиқарилганликлари тўғрисидаги баландпарвоз гаплари улар билан узоқ муддатли уруш прогнозлари билан алмашмоқда. Мухбирнинг таъкидлашича, Ўзбекистон жангариларнинг даъвосига қараганда, асосий мурод-мақсадлари эмиш.

Мухбирнинг Марказий Осиёда уруш бошланиш хавфи тўғрисидаги саволига Ўзбекистон Президенти бугун халқаро терроризм марказлари диний экстремизм марказлари билан қўшилиб кетди, — деб жавоб берди.

— Доғистондаги ва умуман Россиядаги воқеалардан кейин етарли даражада қудратли, катта молиявий имкониятларга эга, аҳоли даражада уюшган муштарак марказлар мавжудлиги аён бўлди. Шу боис бугун уларнинг қўллари қай даражада узун эканлигини жиддий тасаввур ҳам қилолмаймиз. Диний экстремизм нафақат бизнинг ҳаниф ислом динимизга, балки у бошқа динларга ҳам хос бўлган хусусиятдир, лекин биз бугун мусулмонлик тўғрисида сўз юритмоқдамиз. Энди менда шундай мустаҳкам ишонч ҳосил бўлдики, деб таъкидлади Президент, бугун халқаро терроризмнинг ҳайвоний сурати кўпчилик учун муқаддас бўлган диний тушунчалар билан ниқобланмоқда. “Соф” ислом учун қураш ниқоби остида террористлар сафидан ўз динининг ҳақиқий қадр-қимматларини тасаввур қилолмайдиған ёшлар ўрин олмоқдалар. Уларни ҳеч ўйламасдан ҳар қандай қўпоровчилик ҳаракатига, осуда ухлаётган кишилар, болалар ва аёлларни қатл этишга тайёр ҳақиқий зомбиларга айлантirmoқдалар. Бундай хавф, айниқса Марказий Осиё минтақасига, хусусан аксарият аҳолиси ислом динида бўлган — Тожикистон ва Ўзбекистонга таҳдид солмақда. Мени ҳудудни босиб олиш мақсадида амалга оширилаётган ташқи қуроли тажовуз хавфи эмас, балки мияси заҳарланган ёшларни ўзлари ўсиб улғайган шаҳар ва қишлоқларни портлатишга ўргатадиган плацдарм ва базаларни бунёд этишни мақсад қилиб олган диний экстремизм экспансияси хавотирга солмоқда, — деди И. Каримов. Шундан сўнг Президент бу хавф-хатарнинг чегараси йўқлиги, у бир давлат, назорати остида бўлмаган экстремистик марказлардан, айтилиш, жанубдаги қўшнимиздан келиб чиқиши энг мудҳишдир, — деб айтди.

— Зеро биз ҳеч бир ҳукуматга, мисол учун, бунга ҳеч қандай алоқамиз йўқ, деб эътироз билдираётган Покистон ҳукуматида даъволар билан мурожаат этолмаймиз. Ҳа, худди шундай, лекин Покистон ҳудудида дастлаб уч-тўрт ой диний ақидапарастликка, сўнг эса

ярим йил мобайнида қўпоровчилик фаолиятига тайёрлайдиган лагерларнинг бунёд этилишига хотиржамлик билан қарамоқда.

Жангариларнинг айнан Ўзбекистонга киришга интилишлари тўғрисидаги саволга жавобан Президент уларнинг диний мойиллик қаерда кучлироқ бўлса ўша ерга интилишларини қайд этди.

— Биз оталаримиз динига эътиқод қиламиз ва ҳеч қачон ундан қайтмаймиз. Ўз номимдан айтаманки: ҳа, мен мусулмонман, Оллоҳ менинг қалбимда. Ҳа, Ўзбекистон — 82 фоиз аҳолиси ислом динига эътиқод қиладиган мамлакат ва ўз дини аҳкомларини жиддий билмайдиган биринчи навбатда, ёшлар ақлини айлантириш учун бу ерда ажойиб имкониятлар мавжуд. Лекин ислом ҳеч қачон экстремистик оқимлар томонидан бунчалик жиддий таҳдидга дучор бўлмаган. Шунинг учун жорий йилнинг сентябр ойида биз Тошкентда Ислам университетини очдик, унинг ҳузурида абитуриентлар учун лицей ташкил этилади.

Айтингчи, дунёга буюк ислом файласуф ва мутафаккирларини берган ҳудудда — Ўрта Осиё, Ўзбекистонда бизларга динни ўргатишга на ҳожат? Ҳа, ислом Саудия Арабистонида вужудга келган, лекин ким уни — динимизни бутун дунёга бундай жозибали кўрсатган, буюк фанга айлантирган? Ҳамма исмларни зикр этиб ўтмайман, мисол учун Пайғамбаримиз Муҳаммаднинг (Саллоллоҳу алайҳи ва саллам) ҳадиси шарифларини тўплаган буюк Имом ал-Бухорийни олинг. Ҳозирда унинг мақбараси қаерда? Самарқандда! Ал-Бухорийни бундай чўққига кўтарган ким, бутун ислом дунёсидан неча ўн минглаб кишилар зиёрат қилиб кетадиган мажмуани у ерда ким бунёд этди? Нақшбандий мақбарасини, Ат-Термизий мақбарасини, Ким ободонлаштирди? Мен яна ўнлаб исмларни айтиб ўтишим мумкин! Ўзбекистон ҳукумати динимиздан бутун ўзбек халқи баҳраманд бўлиши учун бор куч-ғайратини сарфламоқда. Совет ҳокимияти даврида бизга ислом динини тарғиб этишга рухсат беришмаган, лекин у, яна бир бор айтаман, қалбимизда бўлган! Лекин бу ерга келиб ислом илоҳиётининг илмий асосларини ишлаб чиққан, Қоҳира ва Дамашқда, Бағдод ва Мадинаю-мунаварада эътироф этилаётган, буюк мутафаккирлар авло-

дига “соф” исломдан сабоқ бериш мантиқданми!

“Соф” ислом ёки “соф” мусулмон тушунчасининг ўзи йўқ. Бунга фақат Оллоҳ белгилайди. Ислам эътиқодининг демократиклиги шундаки, ҳеч қандай тест ва синовлар билан инсонни кофир ёки ҳақиқийларга ажратиш мумкин эмас. Мен бунга белгилаш ҳуқуқи ҳеч кимга берилмаганлиги тўғрисида Қуръондан ўнлаб оят ва сураларни келтиришим мумкин, — деб таъкидлади И. Каримов.

— Сиз жангарилар Ўзбекистонга қарши қураш олиб бориш учун Қирғизистон ҳудудига кириб келдилар, деб айтяпсиз. Бу Қирғизистон жамоатчилиги ва раҳбариятида, биз сизларга тегмаймиз, бизга йўл очиб беринглари, қабилидаги хомхалқни вужудга келтириш борасидаги биринчи уриниш эди. Бу воқеа жиноятчилар одамларни илк бор гаровга олган август ойининг бошида содир бўлди, сўнг қирғизлар 150 минг доллар тўлаб уларни қайтариб олдилар ва тахминан уч ҳафта ўтгандан кейин эса япон геологлари гаровга олинди. Нима учун Қирғизистонда ҳамма нарса август ойи бошида бошланганини ёзишмайди?

У ерда хомхалқга берилиб кетишди: уларга эмас, балки Ўзбекистонга таҳдид қилишаётган экан, деб. Мени ҳайратга солган нарса сиз ҳам ушбу ривоятни кўпиртира бошлагингиз. Нима бўлаётганини эшитинг: суверен давлат ҳудудига олти юз ёки минг кишидан иборат қуролланган тўда кирмоқда... Ахир ҳар бир давлатнинг ўз қадр-ғурури туйғуси бўлиши керак, унинг ҳар бир фуқаросида эса хавфсизлиги сиртдан ҳимояланганлигига ишонч туйғуси бўлиши керак. Бу гапни, шу жумладан, Россия телевидениеси қаердан олди ўзи, эмишқи улар Ўзбекистонни ёриб ўтишга уринишган экан, уларни эса киритишмабди. Улар бизнинг эмас, бошқаларнинг душмани, қабилида гап юритиш — гўллик, саводсизлик, қуруқ сафсатадир! Унда Қирғизистон жамики халқаро ҳуқуқ меъёрларини бузган ҳолда қўпоровчиларга бошқа мамлакатга суқилиб киришлари учун ўз ҳудудларини очиб бераётган эканда? Бундай сафсаталарни мен Ўзбекистон билан Қирғизистонни гиж-гижлатишга қаратилган уринишлар деб биламан ва уларни тамоман инкор этаман. Агар бу ҳақиқат бўлганда эди, бўлмаса нима учун жангарилар қирғизларни та-

лон-торож ва қатл қилишни бошладилар, нима учун Зардоли ва Хўжа Очкандани уларнинг хотинларини зўрламоқдалар? Бу, шунчаки, Ўзбекистонга кетаверишда йўл-йўлакай қилинган ишми? Қолаверса сизга яна бошқа гапни айтаман: жангарилар Қирғизистон ҳудудини август ойида кесиб ўтганлари йўқ, улар икки йилдан буён Тожикистондан Қирғизистон орқали Ўзбекистонга бемалол ўтиб юрибдилар. Бунинг натижасида бизда жангарилар хуружлари содир этилди, Қўқон, Андижон ва Наманганда тонналаб портловчи моддалар топилди. Буларнинг ҳаммаси Қирғизистон ҳудуди орқали ташиб келтирилган!

Афғонистонга музокара олиб бориш учун қатнаётган, ўзларини ҳуқуқ ҳимоячилари деб атаётган Қирғизистоннинг бир қатор арбобларининг воситачилик миссияси хусусида тўхталиб, Ўзбекистон Президенти улар музокараларни жангарилар билан олиб бораётганини қайд этиб ўтди.

— Воситачи музокараларни ақли расо кишилар билан олиб бориши керак, жиноятчилар билан эмас, — деб аниқлик киритди И. Каримов.

Мухбирнинг, нима учун бу ҳақда илгари гапирилмаган эди, деган саволига жавобан давлатимиз раҳбари қуйидагиларни айтди:

— Бу 500-600 кўпоровчи Қирғизистонга кириб келганда, уларни қуршовга ола бошланганда, қирғизлар сафарбарлик эълон қилиб, қуроли кучларни тўплаганда, бу иш билан жиддий шуғуллана бошлангандан кейингина маълум бўлиб, бу гаплар юзага чиқиб қолди. Бу саволни сиз Қирғизистоннинг махсус хизматларига, жангарилар турган Боткенга бирор марта ҳам бормаган давлат хавфсизлиги вазирлигига беринг. Сўранг, нима учун уларни босиб олган қишлоқларда боқинишди, едиринишди, ичиринишди, қирғиз қизларини хотинликка беришди? Нега энди улар Қора-Арчадаги сўқмоқлар орқали бемалол у ёқдан бу ёққа юргандилар, йўл қўрсатувчилари эса қирғизлар эдилар?

Ҳа, босқинчилар орасида ўзбеклар бор... Лекин яқинда маълум бўлдики, у ердагиларнинг аксарияти ҳукумат қўшинларига қўшилмаган Бирлашган тожик мухолифати (БТМ) вакиллари ёки БТМ раиси жаноб Нурий таъбирича, назорат қилинмайдиган жангарилар. Эҳтиётда ушлаб туриш учун у бугун уларни шундай деб номлашдан манфаатдор... Ҳозир у тинчлик жарчиси, ўзинг ислом уйғониш партияси сайловларда қатнашмоқда, яна, ўзи ҳақида БТМ қуроли кучла-

рининг раҳбари дейиш ноқулай. Унинг “заҳирасидаги” барча одамлари қурол билан Гарм, Қоратегин, Тавилдара ҳудудиди юришибди, бу бизга яхши маълум. Агар жаноб Нурий уларни билмайман деб айтаётган бўлса, у ҳолда мен Афғонистон чегарасидан Қирғизистон чегарасигача эмин-эркин юрган ўнлаб отряд қўмондонларининг номини айтаман. У билиб олсинки, бизга бу ўйинлар тушунарли. Қулоққа лағмон осининг кераги йўқ! Бундай ўйинларни у Раҳмонов билан ўйнасин, биз билан эмас. Агар Раҳмонов хоҳлаётган бўлса, Нурийга қулоқ солаберсин, зеро уларда анчадан буён ҳукумат билан мухолифат ўртасида тинчлик жараёни олиб борилмоқда, биз эса бундай жараённинг мантикий хотимасига етишни истаймиз. Аммо бундай ўйинлар кетаётган бир пайтда қуроли отрядлар суверен давлатга нисбатан босқинчиликни амалга оширмоқдалар, чегараларни бузмоқдалар, уларни доимий равишда қурол билан таъминлаб турибдилар, қирғиз ҳудудида яраланганларни эса бамайлихотир доволон орқали Тожикистонга олиб кетмоқдалар...

Мухбирнинг Қирғизистоннинг доволонни ёпиш ёки ёпмаслик имкониятлари тўғрисидаги саволига И. Каримов қуйидагича жавоб берди:

— У ерда, баландтоғликда, босқинчилар ёқтириб қолган ўнлаб иссиқ булоқли жойлар бор. Қорамик деган бир жой мавжудки, у бир томондан қирғизларга, бошқа томондан эса тожикларга тегишли, қирғизларнинг ўшидан тожикларнинг Жирғатолигача ва у ёғи Хоррога бўлган йўлда жойлашган. Агар улар Ўзбекистонга қарши қурашмоқчи бўлган мухолифатчи бўлсалар, унда нега улар ўзбек чегарасидан анча узоқ бўлган Қорамикка уч марта ҳужум уюштирдилар? Шунинг учунки, бу Афғонистондан Хоррога орқали ўшга ўтадиган асосий наркотик ташиш йўлидир, ўш эса Марказий Осиёдан Европага наркотик моддалар ташишининг асосий чорраҳаси ҳисобланади, А. Акаев фақат эндигина у ерга 500 чегарачини қўйиб, бу участкани мустаҳкамлади. Хўш, жангариларнинг Ўзбекистонга қарши урушмоқчи бўлганликлари тўғрисидаги фаразнинг бунга нима алоқаси бор?

У ерда чегарачилар у ёқда турсин, ҳатто Тожикистонни Қирғизистондан ажратиб турувчи бирон бир чегара устуни ҳам йўқ эди. Бу Доғистон доволонлари эмаски, у жойлар денгиз сатҳидан 1,5 километргеина баланд бўлса, бу ерда эса 3,5-4,5 км. баландлик, атрофни бутунлай қалин қор босган: бом-

ба ташла, ташлама — бирор нарсани яқсон этиш мушкул, бомбалар қорга тушади, тамом... Жангарилар эса тинчгина у ёқдан-бу ёққа ўтаверадилар. Мен Қирғизистон президентига нега у ерга чегарачилар қўймайсиз? — деб бир неча марта айтган эдим. Балки уларнинг Тожикистон билан бир-бирларига ишонч тўғрисидаги ахдлашувлари бўлса керак, ё бўлмаса, шунчаки кучлари етмаётгандир, бунга қирғиз раҳбариятидан сўраш керак.

Бугун бизга шу нарса маълумки, жангарилар Хўжа Очкан дарасида 50 ўринлик касалхона ташкил этганлар. Улар у ерда ўз ярадорларини тузатадилар, керак бўлса уларни Тожикистон ичкари-сига Хоит районида олиб ўтадилар. Қондиқўл деган жой бор, у ерда тожикларнинг шахта бошқармасига тегишли санаторий жойлашган. Қондиқўл орқали Қирғизистондаги босқинчи гуруҳлар қурол-яроғ, иссиқ кийим-бош билан таъминланадилар, у ерга ярадорлар олиб чиқилади. Менга аниқки, биз бомба ҳужуми уюштирганимизда, ҳамма ярадорларни у ердан Хоит, Жирғатолга ташиб ўтдилар. Уларга ким вертолёт берганини жаноб Нурий айтсин! Яраланган таниқли жангари мулло Абдуллони қаерга олиб кетдилар, нима деб ўйлайсиз? Душанбега! Ўша ерда уни операция қилдилар. Мулло Абдулло ким ўзи, балки ўзбекдир? Йўқ, у ўнлаб бошқаларга ўхшаган, БТМнинг дала қўмондонидир. Унда нимага у ўзбек мухолифатидан, деган гап тарқатилади, сизлар ҳам уни ўйламасдан илиб олмасизлар? Бу жаноб Нурийга керак эди. Яқинда матбуот анжуманини ўтказган А. Комилов (Ўзбекистон ташқи ишлар вазирлиги) бизда мавжуд маълумотларнинг фақат юздан бирини ошқора этди. Биз бундан ҳам кўпроқ айтиб беришимиз мумкин, лекин бироз сабр қилганимиз маъқулроқ...

Чеченистон ва Доғистон чегараларида Россия амалга ошираётган операциялар каби биз ҳам Тожикистон ҳудудидидаги террористлар базаларига қарши айнан ана шундай операцияларни уюштиришга тўла ҳаққимиз. Ушбу фурсатдан фойдаланиб, айтмоқчиманки: Ўзбекистон бу базаларга шундай зарба беришга тамоман ҳақлики, у ерда уни анчагача эслаб юришади, ҳатто ўз авлодларига ҳам етказишади. Бундай босқинчилик ҳужумларни биз кечирмаймиз ва биз билан ўйнашга йўл қўймаймиз. Ўз ҳудудимизни халқаро меъёрлар доирасида бизда мавжуд барча усуллар билан ҳимоя этамиз, — деб баёнот берди Ўзбекистон Президенти И. Каримов.

“Жаҳон” АА

ИСТИҚЛОЛ ОДИМЛАРИ

● Республикамиздаги ижодкорлар фаолияти жамғармаси 1991 йил 22 октябрда ташкил этилди.

● “Мерос” (“Наследие”) деб номланган дастлабки тарихий театр Самарқандда 1991 йил октябрь ойида очилди.

● Республикамизнинг дастлабки ўзбек кино ҳафталиги Урумчи (ХХР) шаҳрида 1991 йил октябрь ойида бўлиб ўтди.

● Ўзбекистонда капролактом асосида техник ва маданий-маиший соҳаларда кенг қўлланиладиган полиамид-6 моддаси 1992 йил октябрь ойида “Навонйазот” ишлаб чиқариш бирлашмасида олинди.

● “Маҳалла” республика хайрия жамғармасининг биринчи татсис анжумани 1992 йил октябрда Тошкентда ўтказилди.

● Жаҳон компьютер тармоғига уланган компьютер техникаси билан жиҳозланган биринчи ўзбек-турк банки 1993 йил октябрь ойида Тошкентда очилди.

● Осиё — Тинч океани минтақаси мамлакатлари енгил саноати томонидан ишлаб чиқарилаётган кенг истеъмол буюмларининг халқаро кўргазмаси Тошкентда 1993 йил октябрь ойида бўлиб ўтди.

● Улуғ мунажжим, олим Мирзо Улугбек таваллудининг 600 йиллигига бағишланган, ер ва қуёш физикаси муаммоларини ўрганиш бўйича дастлабки халқаро симпозиум 1993 йил октябрь ойида Самарқандда ўтказилди.

● Инглиз тилини муттасил ўрганиб боришга мўлжалланган замонавий усулларга бағишланган халқаро семинар 1993 йил октябрь ойида Тошкентда бўлиб ўтди.

● Халқаро бизнес ва менежментлик соҳасида Америкада таълим олиб, бакалавр даражасини биринчи бўлиб тошкентлик Баҳром Ражапов олишга муваффақ бўлди. У 1993 йил октябрь ойида Арканзас университетида шу мутахассислик бўйича диплом ишини ҳимоя қилди.

● “Ўзбекистон автотранспорти” — “Автотранспорт Ўзбекистана” илмий-оммабон журналининг ўзбек ва рус тилларидаги биринчи сони 1993 йил октябрь ойида чоп этилди.

● Ўт ўчирувчилар ўртасида спортнинг амалий турлари бўйича биринчи республика мусобақалари 1993 йил Гулистон шаҳрида бўлиб ўтди.

● Япониянинг Хиросима шаҳрида 1993 йил октябрь ойида ўтказилган байдарка ва каноэда эшпак эшиш бўйича Осиё чемпионатида вакилларимиз 14 та олтин медални қўлга киритишди.

Туманимизда эски паспортларни Ўзбекистон паспортларига алмаштириш тугалланди. Ҳозирда энди фуқаролик ёшига етганларга янги паспортлар бериш давом этапти. Бунга қандай эришилди деган ҳақли савол туғилади, албатта. Авваламбор, фуқароларимиз ўз миллий паспортимизга эга бўлиш фахрли эканлигини англаб етдилар. Маҳаллаларда, ишхоналарда ходимлари-

ниб, уларга нисбатан маъмурий чоралар кўрилди. Айрим ташкилот ва корхона раҳбарларига нисбатан ҳам маъмурий далолатномалар тузишга тўғри келди. 219 қоидабузардан давлат фойдасига 203440 сўм миқдорида жарима ундирилди.

Туманимизга ноқонуний йўллар билан кириб келаётган, унда паспорт тизими қоидаларини бузиб яшаб турган хорижий фуқаролар ва

БУНДАН ҲАММАМИЗ МАНФААТДОРМИЗ

миз, жамоатчилик ташкилотлари фаоллари, зиёлилари миз олиб борган кенг тарғибот-ташвиқот ишлари ўз натижасини берди.

Бундан ташқари, туманимизда ҳимматли ташкилот раҳбарлари, ишбилармону тадбиркорлар ҳам анчагина экан. Уларнинг моддий кўмаги билан кўпгина иқтисодий ёрдамга муҳтож фуқароларимизга паспортлар берилди.

Туман ИИБ фуқаролик хизмати бўлими ходимлари фақат фуқароларга янги паспорт бериш билан чекланиб қолаётганлари йўқ. Улар юрт осийишталарини таъминлашда паспорт тизимини такомиллаштириш борасида мамлакатимиз Президентининг Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг қарорини оғишмай бажариш жуда муҳимлигини яхши англашади. Улар участка вакиллари билан ҳамкорликда қирқдан ошқор корхона ва ташкилотда, кўплаб маҳаллаларда бўлиб, паспорт тизими қоидаларига қандай амал қилинаётганини текширидилар. Текширишлар натижасида 852 қоидабузар аниқла-

МДХ фуқароларини аниқлаш мақсадида ИИБ барча хизматлари вакиллари ҳамда бошқа манфаатдор ташкилотлар ходимлари иштирокида тадбирлар ўтказилди. Тадбирлар чоғида уч нафар қоидабузар Афғонистон фуқароси аниқланиб, бири устидан жиноий иш кўзғатилди. Ўзбекистон Республикасида бўлиш қоидаларини бузган МДХ фуқароларидан олти киши мамлакатимиздан чиқариб юборилди, ўн тўрт нафаридан эса 44500 сўм жарима ундирилди.

Ҳозирда паспорт тизими қоидаларини бузувчиларни аниқлашда жамоатчилик фаоллари, маҳалла посбонлари, оддий халқ вакиллари ҳам бизга яқиндан ёрдам беришяпти. Улар доимо халқ ичидан бўлганларни учун маҳаллага ким келиб нима билан шуғулланаётганидан яхши хабардор бўлишади. Шундай бўлиши ҳам керак. Зеро, юрт тинчлигидан, эл осийишталаридан ҳамма манфаатдор.

К. САЛИМОВ,
Қизилтепа тумани ИИБ
ФХБ инспектори, милиция
лейтенанти.

ҲАМ АЧИНАРЛИ, ҲАМ АЖАБЛАНАРЛИ

Шу йил 9 октябрь куни соат 08 дан 08 дақиқа ўтганда Тошкент шаҳар ИИББ ЁСБ Куч ва воситалар бошқариш марказига А. Икромов тумани Хужум кўчаси 10-уйда портлаш ва ёнғин содир бўлганлиги ҳақида хабар келиб тушди.

Чақирилган манзилга А. Икромов туманини ёнғиндан муҳофаза этувчи 8-сонли ХЕСБ 2 та бўлими етиб борган вақтида уйнинг ошхона ва ошхонанинг том қисми ёнаётганлиги ҳамда ёнғин ичида хонадон эгалари қолиб кетганлиги ҳақида маълумот берилган.

Ёнғин содир бўлган ерга қўшимча равишда Тошкент шаҳар ИИББ ЁСБ навбатчи тезкор ўт-ўчириш штаби, бошқарма ва бирикма раҳбарияти, милиция, тез ёрдам ва “Тошгаз” авария хизматлари йўлланган.

Ёнғин 08 дан 30 дақиқа ўтганда ўчирилди.

Ёнғинни келиб чиқиш сабабини билиш мақсадида тезкор олиб борилган бирламчи суриштирув ишлари жараёнида, аниқланишича ёнғин ушбу хонадоннинг ошхо-

насида тез ёнғувчан суюқликлардан (бензин, ацетон, рангли бўёқлар) ажралиб чиққан ҳаво тўпламининг портлаши натижасида ёнғин содир

бўлган ва ушбу хонадонда истиқомат этувчиларининг ҳалок бўлишига олиб келган. Ёнғинни ўчириш жараёнида хонадон эгалари ва Шухрат

содир бўлган, деб топилди.

Шуниси ҳам ачинарли ва ҳам ажабланирлики, хонадон эгаси Шухрат Каримов “Неффтранс” бошқармасида 1-даражали мутахассис бўлиб ишлаган. Тез ёнғувчи суюқликларни хонадонда, ошхонада сақлаш мумкин эмаслигини, хавфли эканлигини била туриб, бу қоидабузарликка йўл қўйган.

Ҳар бир ёнғин кишиларнинг айби билан содир бўлади. Жойларда ёнғин хавфсизлигини таъминламаслик, ёнғин назорат бўлими ходимларининг кўрсатмаларини ўз вақтида бажармаслик, огоҳ-

Каримов унинг турмуш ўртоғи Мархабо Каримова-ларнинг куйган жасадлари топилган. Шунингдек, содир бўлган портлаш ва ёнғин натижасида 1994 йилда туғилган Нилуфар Раҳматиллаева танаси 80 фоиз куйган ҳолда 1-сон шаҳар касалхонасининг жонлаштириш бўлимига ётқизилган.

Ёнғинни келиб чиқиш сабаби, тез ёнғувчан (бензин) суюқлигининг буғланиши оқибатида йиғилиб қолган ҳаво ва газ концентрациясининг портлаш натижасида

лантиришларга бепарволик билан қараш, катталар лоқайдлиги, маъсулиятни унутиб қўйишлари натижасида ёнғинлар содир бўлмоқда.

Ёнғинларни олдини олиш фақатгина ёнғин назорати хизмати ходимларинигина эмас, балки ҳаммамизнинг муқаддас бурчимиздир.

Ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилган ҳар бир фуқаронинг ўт балосидан халос бўлишига шубҳа йўқ.

Ф. САЪДУЛЛАЕВА,
ички хизмат катта
лейтенанти.

Миннатдорчилик

АСЛО КАМ БЎЛМАНГ!

1999 йил 17 сентябрь куни кеч соат 21.00 да Мустақиллик ва Ш. Рашидов кўчалари кесишган жойда фуқаро Х. Ёкубов бошқараётган “Тисо” автомашинаси фуқаро Д. Икромов бошқараётган ГАЗ-31 автомашинаси билан тўқнашиб кетди. Х. Ёкубов оғир тан жароҳати олди. Чорраҳада навбатчиликда турган ДАН ходими, милиция саржанти С. Отабоев зудлик билан “Тисо” ҳайдовчисини машинадан тортиб олиб, биринчи ёрдам кўрсатиб, йўловчи автомашинада шифохонага олиб борди. Шу сабабли Х. Ёкубовнинг ҳаёти сақлаб қолинди.

Биз оила аъзолари ДАН ходими Собир Отабоевга ўз вақтида кўрсатган ёрдами учун самимий миннатдорчилик изҳор этамиз. Асло кам бўлманг, шарафли хизматингизда муваффақият ёр бўлсин.

Хурмат билан Х. Ёкубовнинг оила аъзолари,
Тошкент шаҳри.

Навбатчилик қисми

НИҚОБ НАФ БЕРМАДИ

Тошкент тумани ИИБ навбатчилик қисмига Охунбобоев номли жамоа ҳўжалигида яшовчи, пойтахтдаги “Тулпор” савдо уйининг директори Қ. О. нинг хонадонда босқинчилик содир бўлгани ҳақида хабар тушди.

Зудлик билан тузилган тезкор гуруҳ талончилар саккиз киши бўлганини аниқлади. Суриштирув чоғида улар юзига ниқоб кийиб уйга бостириб киришгани, болаларни пичоқ билан кўрқитиб, 250.000 сўм пул, турли тилла тақинчоқлар ва ҳовлида турган “Нексия” автомашинасини олиб кетишгани маълум бўлди.

Тезкор қидирувлар натижасида ушбу жиноятни содир этишда гумон қилиниб, пойтахтнинг Себзор даҳасида истиқомат қилувчи Б. Қ. ушланди. Унинг шерикларини қўлга олиш чоралари кўрилди.

МАШИНА ЎҒИРЛАРИ УШЛАНДИ

Тунги соат 02 дан 15 дақиқа ўтганда номаълум шахс Чилонзор 10-даҳасидаги, 5-уй олдида В. Чертиковнинг қаровсиз қолдирилган “ВАЗ-2105” русумли автомашинасини ўғирлаб кетган эди.

Ўғри одатда четдан келмайдиган. Мана шу оддий ҳақиқатга эътиборни қаратган милиция ходимлари даҳадаги 4-уйда яшовчи И. Д. ва 8-уйдан Н. Ш.лар ўғирлик қилганини аниқлаб, уларни қўлга олдилар.

ЁНҒИН ЎЧИРИЛДИ, АММО...

Амударё тумани Манғит шаҳри, А. Икромов кўчасида яшовчи Ю. Х. нинг уйида ёнғин содир бўлди.

(Ушбу хабарлар Ўзбекистон Республикаси ИИБ тезкор маълумотномасидан олинди).

ХАТЛАРДАН САТРАЛАР

Милиция ходимлари Сарисий туманидаги Қаландар қишлоғида яшовчи М. И. нинг уйини текшириб кўришганда хонадон эгаси саросимага тушиб қолди. Бу бежиз эмас экан. Чордоқдан елим халтада ноқонуний сақланаётган “РГД-5” русумли жанговар граната олинди. Узун тумани ИИБ ходимлари Ўзбекистон кўчасида истиқомат қилувчи М. А. хонадонидан кўрпа остига яшириб қўйилган Ф-1 русумли граната ва унинг запаларини топилди. Жарқўрғонлик посбонлар эса 91 ёшли Ж. Х.нинг уйдан ИИБ рўйхатида турмайдиган 16 калибмли милиц қасқалаётганини аниқлашди.

М. РАҲИМОВА,
Сурхондарё вилояти.

Вилоят ва шаҳар ИИБ жиноят-қидирув бўлими томонидан ўтказилаётган “Қорадори” тадбири давомида — 22 сентябрь куни соат 21.00 ларда Самарқанд тумани “Дехнав” қишлоғида яшовчи, ҳеч қаерда ишламайдиган С. Уктам 820 грамм героини 11.500 АҚШ долларига сотаётган пайтда қўлга тушди. Бундай мисолларни яна келтириш мумкин.

М. АБДУРАҲИМОВА,
Самарқанд вилояти.



КЎПНИНГ ҲАҚИ ТУТАДИ

Шу кунларда пахта далаларида йиғим-терим авжида. Бободехқонларимиз қадоқ қўллари билан етиштирилган ҳосилни нест-нобуд қилмай, ёгин-сочинга қолдирмай йиғиштириб олиш ғамида. Шаҳарлик ҳашарчилар ҳам деҳқонларнинг оғирини енгил қилиш учун далага отланганлар. Бироқ шундай долзарб паллада чорва моллари қаровсиз қолдирилиши туфайли пахта нест-нобуд ва пайҳон бўлиши ҳоллари учраб турмоқда. Бундай ётибборсизлик қимматга тушаётганини айрим фуқаролар тушуниб етмаётганга ўхшайди. Ички ишлар идоралари ходимлари бундай ҳолатларга қарши кураш борасида талай ишларни амалга оширишмоқда. Улар маҳаллий ҳокимликлар, қишлоқ фуқаролар йиғини вакиллари билан бирга далаларда доимий назорат ўрнатиб турибди.

Мавсум давомидида пахтани пайҳон қилиш бўйича 70 та ҳолат аниқланди. Бу ҳолатлар юзасидан қонунбузарларга 91 минг сўмга яқин жарима солинди. Бу нимани кўрсатади? Аввало, айрим фуқароларимизда эл насибасига ачиниш йўқлиги, ҳуқуқий савод етишмаслигидан далолатдир. Масалан, Чирокчи туманидаги Д. Сафаров номли жамоа ширкат хўжалиги ишчиси Нормурод Маматовнинг 15 бош қўйи шу хўжалик пахта даласида кўсакларни еб юрганлигини милиция ходимлари аниқлашди. Хўжаликка келтирилган зарар 500 сўмни ташкил этди. Туман суди томонидан Н. Маматовга 1750 сўм миқдорида жарима солинди. Ёки Муборак туманидаги "Гулистон" жамоа ширкат хўжалиги ишчиси Олим Ғаниевнинг 20 бош қўйи 3 сотих майдондаги пахтани пайҳон қилганлиги учун унга 1750 сўм миқдорида жарима солинди. Қарши туманидаги "Бешкент" жамоа ширкат хўжалигининг Баҳодир Эшонқуловга тегишли фермер хўжалик пахта даласига унинг ўз укаси Улуғбек Эшонқуловнинг 8 бош қорамоли қўйиб юборилганлигини қандай баҳолайсиз? Пахтакор қишлоқ фуқаролар йиғини қарори билан унинг бир бош қорамоли сўйилиб, хўжаликда яшовчи кам даромадли оилаларга тарқатилди.

Айрим шахслар ўз манфаати йўлида бўлиқ кўсакларни узиб-тегиб уйига ташиётганлигини ҳам асло кечириб бўлмайди. Шундайлардан бири Ғуздор туманидаги "Истиклол" жамоа ширкат хўжалигида яшовчи Шарофат Имомова шу хўжаликнинг 1-бригада пахта даласидан 10 килограмм кўсакни ўғирлаб, уйига олиб келаётганда ушланди. Қишлоқ фуқаролар йиғини қарори билан унга 1000 сўм миқдорида жарима солинди. Яна жаримачилар рўйхатини давом эттиришимиз мумкин. Халқ насибасига кўз олайтираётган шахслар қонун олдида жавоб бериши тайин. Ахир, халқимиз бир мисқол бўлсин етиштирилган ҳосилни барвақт йиғиштириб олиб, улкан хирмон бунёд этиш йўлида меҳнат қилапти. Уни нест-нобуд ва пайҳон қилиш кўпга зиён эканлигини унутмайлик.

Асқар ТУРСУНОВ,
Қашқадарё вилояти ИИБ
ЖТСБ катта нозири,
милиция майори.
Ўроз ҲАЙДАРОВ,
милиция майори.

Ички ишлар идоралари фаолиятида профилактика хизмати жуда муҳим ўрин тутади. Шифокорлар орасида "Касални яширгандан унинг олдини олган афзал" деган гап юради. Буни ҳеч иккиланмасдан жиноятчиликка нисбатан ҳам қўллаш мумкин. Менимча, жиноятнинг олдини олиш фақатгина профилактика хизмати ходимларининг ёки жамоатчилик ташкилотларининг иши бўлиб қолиши керак эмас. Ички ишлар идорасининг ҳар бир ходими бу ишга ўзини масъул деб ҳис қилиши керак. Ана шундагина жиноятчилик камаяди, уларнинг фош этилиши эса кўпаяди.

Мулоҳазаларим далил-исботсиз бўлмаслиги учун туманимиз тажрибасига мурожаат қиламан. Жорий йил бошидан таркибига барча хизмат вакиллари киритилган профилактика гуруҳлар тасдиқланган ҳадвал

бўйича жойларга чиқиб, ишлаб-чиқариш корхоналарида, мактабларда, маҳаллаларда учрашувлар ўтказишди. ДАН инс-

пектори, ёнғиндан сақлаш ходими, жиноят-қидирув вакили, қисқаси ҳар ким ўз соҳаси бўйича халқ орасида кенг тушунтириш ишлари олиб борди. Албатта, бу тадбирларни уюшқоқлик билан ўтказишда участка вакиллари бош-қош бўлишди. Тадбирларда ходимларимиздан, айниқса, милиция майорлари Т. Жаниев, А. Ҳакимов, Э. Бегманов, милиция капитанлари Ш. Курбонов, С. Шодиевлар фаол қатнашди.

Мана, натижа кўзга ташланапти. Туман аҳолисининг кўпайганига қарамай, жиноятларнинг умумий сони жорий

йилда ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ошмади. Уларнинг очилиш кўрсаткичи эса бултургидан олти фоизга яхшиланди.

Қувонарлиси шундаки, оғир ва ўта оғир жиноятлар сони сезиларли камайди. Масалан, бултур шу давргача 7та ўта оғир жиноят содир этилган бўлса, бу йил улар 2 тага камайиб, барчаси фош этилди.

Туманимизда аҳоли нисбатан кам бўлгани билан, ҳудуди ниҳоятда кенг. Ҳар қандай ички ишлар ходими, айниқса, участка вакилининг бундай ҳудудда аҳоли мададсиз ишлаши мушкул. Бу йил кенг жамоатчилик, профилактик ишларимиз-

нинг махсули ўлароқ, кўпгина жиноятларнинг олдини олишда, анча-мунчасининг очилишида бизга яқиндан ёрдам беришди.

Бу ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш мақсадида жойлардаги ўз-ўзини бошқариш ташкилотлари фаоллари билан баласлаҳат маҳалла посбонларини сараладик. Улар участка вакиллари яқин ёрдамчиларига айланган.

Сўнги амнистияга мувофиқ туманимизда истиқомат қилган бир неча киши жазони ўташдан муддатидан олдин озод этилди. Уларга янги паспортлар бердик, ҳокимлик қошидаги кўнма марказлари орқали ёрдам пуллари ундириб бердик, ҳаммасини иш билан таъминладик. Мақсад, улар ҳукуматимизнинг, жамиятимиз-

нинг ҳамхўрлигини ҳис қилсин, қайтиб жиноят йўлига кирмасин.

Ҳадемай бўлимимизнинг барча хизмат турлари жорий йилдаги ўз фаолияти натижаларини таҳлил қилишга киришди. Ушанда уларнинг жиноятнинг олдини олиш бўйича олиб борган ташвиқот-тарғибот ишлари, бу йўналишда бажариши лозим бўлган вазифалари, йўл қўйган камчиликларига алоҳида эътибор берамиз. Токи туманимиз ахли жиноят қилишдан сақланишини, унинг оқибатларидан муҳофазаланишини, уларнинг ҳуқуқий билими, маданияти ошсин. Токи биз – ички ишлар ходимлари содир бўлаётган жиноятларни қанчалик кўп фош этаётганимиз билан эмас, балки уларнинг камаётгани билан фахрланадиган бўлайлик.

Барот ТЎХТАЕВ,
Нурота тумани ИИБ
бошлиғи, милиция
подполковниги.

БОЗОРДАН ХЕЧ КИМ ОЗОР ЧЕКМАСИН


Бозор. Тонгдан то шомгача гавжум бўладиган бу маскан бугунги кунда кўпчиликнинг тирикчилик манбаига айланган. Бу ерга биров сотаман, бошқа биров сотиб оламан дея қадам ранжида қилади. Бироқ, айрим кишилар борки, улар на сотади, на флади, балки юлади.

Шу боис, бундай масканда тинчлик ва оқилолликни сақлаш осон эмас. Айниқса, бозордаги "бозорчи"ларнинг тилини топиш унча-мунча одамнинг қўлидан келавермайди. Биз Шаҳрисабз шаҳри бозоридаги тартиб-интизомни таъминлашга масъул ички ишлар ходимлари фаолияти хусусида фикр айтмоққа чоғланарканмиз, улардан эшитганларимизни қозғоғга туширдик.

Бозорга янги сотувчи келиб, маҳсулотни кўпайтириб, нархини тушира бошласа, ёнидаги сотувчилар, айниқса, олибсатарларнинг фиғони фалакка чиқиши турган гап. Уларнинг айримлари очикчасига кет бу ердан дейишмасда, ҳийлаю найранг ишлатишга уринишади.

Шаҳрисабз бозори участка вакили, милиция капитани Миразим Тўраев шундай деди:

– Шаҳримиз Самарқанд вилоятига яқинлиги боис, у ердан деҳқонлар келиб, савдо-сотиқ қилишади. Рустам исмли киши булғор қалампирини арзон сота бошлагач, бозоримизда шу тур маҳсулотни сотувчи кишиларнинг савдоси юришмай қолади. Натижада улар



қандай бўлмасин бу сотувчини йўқотиш пайига тушади. Рустамнинг савдоси қизиқ, қўли-қўлига тегмай турган пайтда улар бир қоп булғор қалампирни билдирмасдан ҳалиги сотувчининг қоплари ёнига қўйиб кетишади. Савдога берилиб кетган Рустам уни ҳам ўзининг булғор қалампирига қўшиб сотиб юборади ва, табиийки, унинг пули савдодан тушган пулларга қўшилиб, аралашиб кетади.

Буни кўриб-билиб турган бозорчилар куйингандан, аслида эса севинга-

сир бордай туюлгани учун маслаҳат сўраб раҳбарлар, ҳатто туман ИИБ бошлиғи, милиция полковниги Хайрулла Сайфуллаевга мурожаат қилдим. У киши шошилмасдан тўғри қилибсан, ука, агар ашъвий далиллар ва гувоҳларнинг кўрсатмаларига ишонқирамаётган бўлсанг бу масалани қайтадан жабрланувчи ва гумондордан холи ҳолда, хуфёна ўрганиб чиқ дедилар.

Кейинги сўраб-суриштирувлар бошқача натижа бера бошлади. Бошқа бир гуруҳ сотувчилар бунини меҳмон сотувчининг ёнидагилар уштирганини айтишди. Масала ойдинлашгач, жазо чорасини "ўғрига" эмас, балки тўхматчиларга нисбатан қўлладик.

Бозорда турли хил ажойиб воқеалар рўй бериб туриши бор гап. Айниқса, кейинги пайтда айрим тадбиркорлар ҳам бозорда иш қилишади. Бу бир жиҳатдан яхши, қандини урсин, бироқ уларнинг айрим хатти-ҳаракатлари бозордаги нарх-навоининг ошиб кетишига сабаб бўлаётди.

Яқинда бозоримиздан бир арава бодринг маҳсулотини олиб кетаётган кишини тўхтатдим. Шунда у бу маҳсулотни шаҳримиздаги консерва заво-

дига олиб бориб, у ерда консерва тайёрлаётганини айтди. Корхона билан шартномаси бор экан. Унинг бозордаги нарх-навоини сен эмас, бозор белгилайди, дегани ошиб тушди.

Бундай олиб қараганда ҳаммаси қонуний. Замон талабига кўра

у ишбилармонлик билан шугулланаяпти. Лекин бу киши бодрингни бозордан эмас, маҳсулотини бозорга олиб келишга улов тополмаётган ёки чорасини қилолмаётган деҳқон даласидан олиб келганида нур устига аъло нур бўларди. Чунки бу шахсда машина, пул бор. Бир сўз билан айтганда имконияти етарли. Лекин у тадбиркорлик шиори остида енгилнинг остидан, оғирнинг устидан ўтишга интилоқда. Қишлоқма-қишлоқ бодринг териб юришдан кўра шартта бозордан сотиб олишни маъқул кўраяпти. Бу ерда бошқа бир жиҳат, яъни нарх-навога салбий таъсир бор. Ахир, унинг ўн-ўн беш қоп бодрингни аравага ортиб кетаётганини кўрган сотувчилар бугун бодрингга харидор кўп экан деб нархини оширади. Сотувчига олмасан қўй, қара харидорлар қоплаб олиб кетишяпти, деса харидор ҳам куруқ қолиб кетадигандек олиб кетади.

Шу сабабли биз бундай "тадбиркор"ларнинг хатти-ҳаракатларини назардан четда қолдираётганимиз йўқ. Чунки, нафақат бозордаги тартиб-интизом, балки нарх-навоининг ҳам арзон бўлишини таъминлаш халқимиз фаровонлигига хизмат қилади.

Шавкат ХОЛМОНОВ,
милиция майори.
Шухрат РЎЗИЕВ,
журналист.

ҚАНОАТЛИ ИНСОН ҚОҚИЛМАЙДИ...

...Шовот туманидаги "Шодлик" жамоа хўжалигидаги ҳовлилардан бирида бирдан қий-чув бўлиб қолди. Уйдаги каттаю кичик боягина яйраб-яшнаб сафар тадоригини кўраётган уй соҳибасининг бирдан юраги ёмон бўлиб, аъзойи баданида, айниқса, ошқозонида кучли оғриқ бошланганидан, у тобора кучайиб, аёлнинг дод-фарёд кўтараётганидан ҳайратда эдилар. Шошилиб "Тез ёрдам" чақирилди. Сафарга тайёрланган халта-ю тугунлар жой-жойида қолди. Етиб келган шифокорлар ранги кўким-тир-қора тусга кирган беҳуш аёлни зудлик билан касалхонага олиб кетдилар.

Беморлар эндигона қирқ ёшга кирган жувоннинг ҳаётини сақлаб қолишга кўп уриндилар – фойдаси бўлмади. Аёл хушига келмай, вафот этди. Унинг қандай ташхис билан ўлгани, нима касал бўлгани ҳам номаълум эди.

Марҳумнинг жасади суд-тиббиёт экспертизаси ходим-

лари томонидан ёриб, ошқозонга текширилганда, ундан... 43 дона, елим (целлофан) қоғозга ўралган 172 грамм миқдордаги героин қикди...

Биз атайлаб аёлнинг исм-фамилиясини айтмадик. Чунки унинг бу қилими – пул топиш йўлида жонини гаровга қўйиб, жиноятга қўл уриши боис ҳаётдан кўз юмиши унинг ортида қолган фарзандлари, қариндош-уруғи учун исноддир. У аёл, она бўла туриб энг оғир жиноятга – фарзандларини, авлодларини майиб-мажруҳ, жиноятчи, манкуртга айлантирувчи гиёҳвандлик олди-сотдисига қўл ургани Яратганга ҳам ёқмагандирки сафар тадоригини кўриб, ҳали остона хатлаб чиқмасидан омонатини олган дид.

Худди шунга ўхшаш воқеа "Душанбе – Саратов" йўнали-

сидаги поезд Урганч бекати-га келаётганда ҳам содир бўлди. Тиббиёт масканига вагонлардан бирида кетаётган йўловчининг саломатлиги ёмонлашгани ҳақида хабар қилдилар. Поездда кетаётиб, айниқса, Тожикистондан йўлга чиққан айрим йўловчиларнинг кўзлаган манзилларининг ярмига етмасдан "мазалари қочиб қолиши"нинг сабаби вагон кузатувчилари ва ИИБ ходимларига сир бўлмай қолган. Бу гал ҳам тахминлари тўғри чиқди. Вагонда тўсатдан жони узилган Тожикистон Республикасининг фуқароси 1940 йилда туғилган А. Грибенковнинг жасади текшириб кўрилганда унинг ошқозонидан ҳам 23 дона елим соққачаларда 110 грамм героин қикди.

Донишмандлар "Инсон дунёга келаётганда обрў билан

келиб, кетаётганда ҳам обрў билан кетсин. Яратган эгам шу икки йўлда бандасини шарманда қилмасин", – дейдилар. Лекин обрў билан дунёга келган инсоннинг хурмат-иззати билан яшаб ўтиши ва обрўли ўлим топиши, бизнингча, кўпроқ ўзига, ўзининг хатти-ҳаракати, юриш-туриши, хулқ-аъволига, қилмишларига боғлиқ. Масалан, юқоридаги шармандали ўлим топганларнинг оилада кўп қатори емак-ичмаги, кийим-кечаги бўлгандир. Кам бўлса хоҳлаган жойига кириб ҳалол меҳнат қилса – бугун бўлмаса эртага орзусига етарди. Йўқ, улар жонлари, ҳаётлари эвазига бўлса-да, бой-бадавлат яшаш, бунинг учун жиноий йўллар билан бўлса-да, пул топиш йўлига кирдилар ва Яратганнинг қаҳрига учрадилар. Энди қи-

Аср вабоси

йин-қийин, айниқса, аёлнинг ортида қолган фарзандларига қийин...

...Хонқа туманидаги "Хоразм" жамоа хўжалигининг 5-бўлими пахта даласидан шўхжаликда яшовчи, лекин ҳеч қаерда ишламай кун кўрадиган 1976 йилда туғилган С. Бекметовнинг жароҳатсиз жасади топилди. Ўлим сабаби аниқлангунга қадар бўлган гап-сўзлар, тахмин-гумонларни бир четга қўйилик-да, суд тиббиёт экспертларининг марҳумнинг жасадини ёриб, текшириб кўрач, берган хулосасига эътибор қилайлик: "...кўп миқдорда героин истеъмол қилиш оқибатида ҳалок бўлган..."

...Инсон ҳаётга келаркан унинг ризқи-насибаси ўзи билан бирга бўлади. Уни топиб-тутиш учун эса фақат ҳалол меҳнат қилиб, тер тўкиш керак, ҳолос. Ҳалол меҳнатдан топилган насибасига қаноат қилиб, тинчлик-хотиржамлик билан ўтган ҳар кун учун шукрона билан яшаган инсон – энг бахтли инсондир.

И. АБДУЛЛАЕВ

Тилга ҳурмат – элга ҳурмат

DAVLAT TILIGA E`TIBOR

1989 йилнинг 21 октябрида Ўзбекистон Олий Кенгаши томонидан "Давлат тили ҳақида"ги Қонуннинг қабул қилиниши жуда катта ижтимоий-сиёсий воқеа бўлган эди. Зеро, тил – истиқлолни қўлга киритган давлат мустақиллигининг энг асосий белгиларидан бири. У миллатнинг улкан бойлиги ва дил кўзгусидир.

Тарихий қонун қабул қилинган кунга ҳам 10 йил тўлди. Утган бу даврда Ўзбекистон истиқлолга эришди, ўз сиёсати ва иқтисодиётини мустақил равишда бошқармоқда. Мустақил давлатнинг мафқураси яратилмоқда. Эндилда миллий ҳис, миллий туйғуни шакллантириш, одамларимизни Ватанимиз, халқимиз, маданиятимиз, тарихи-

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари томонидан 1999 йил 5 майда тасдиқланган "Давлат тили ҳақида"ги қонуннинг 10 йиллиги муносабати билан Ички ишлар вазирлиги раҳбарияти томонидан шу йилнинг 5-июнидаги кўрсатмаси билан ички ишлар идораларида белгиланган тадбирлар режаси ижросини таъминлаш бўйича ишлаб чиқилган тадбирлар дастури жойларга юборилган бўлиб бугунги кунда унинг ижроси таъминланмоқда.

Вазирликда ва унинг жойлардаги бошқармаларида ходимларни ўзбек тили ва лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосига ўқитиш курслари ташкиллаштирилмоқда. Ҳозирда вазирлиқнинг Марказий апаратида икки гуруҳга бўлинган ҳолда 40 та ходим мазкур курсларда ўқишмоқда.

Бундан ташқари Қашқадарё вилояти ички ишлар бошқармаси, ИИБ ҳузуридаги Ёнгиндан сақлаш бошқармасида, "ЖАР" спорт соғломлаштириш маркази, Жазони ижро этиш Бош бошқармаси ва бошқа бошқармаларда ҳам гуруҳлар тузилиб, машғулотлар олиб борилмоқда.

Давлат тили ҳақидаги қонунни амалга ошириш Андижон, Тошкент, Хоразм вилоятлари ички ишлар бошқармаларида талаб даражасида бораётганлигини ҳам айтиб ўтиш керак.

Вазирлиқнинг таълим муассасаларида, хусусан, ИИБ Академиясида мунтазам равишда давлат тилига бағишланган илмий-амалий анжуманлар ўтказиб турилади. Ушбу анжуманларда Академиянинг профессор-ўқитувчилари ва тингловчилари томонидан "Давлат тили ҳақида"ги Қонун ва уни ўқув жараёнига татбиқ қилиш, амалга оширишдаги вазифалар, "Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосининг тарихи ва уни таълимга татбиқ қилиниши" каби долзарб мавзуларда маърузалар ўқилди. Меъёрий ҳужжатлар асосида иш юритиш давлат тилида олиб борилмоқда. Кафедра ва бўлимлар томонидан "Давлат тили ҳақида"ги Қонуннинг бажарилиши, давлат тилидаги дарсликлар, ўқув қўлланмалар ва бошқа методик материалларнинг тайёрланиши ҳамда нашр этилиши жадал суъратларда олиб борилмоқда. Уларнинг бу борада амалга ошираётган ишлари ҳақидаги ахборотлар Давлат тили комиссиясининг йиғилишларида эшитилиб муҳокама қилинмоқда. Ўзбек тилини билмайдиган Академия ходимлари учун давлат тилини ўқитиш ишлари режа асосида давом эттирилмоқда.

Ҳар йили Ички ишлар вазирлиги давлат тилини амалга ошириш бўйича комиссия раиси томонидан "Давлат тили ҳақидаги Қонун ва уни амалга ошириш бўйича вазирликда шунингдек, унинг жойлардаги тизимларида амалга оширилиши зарур бўлган тадбирлар" режаси тасдиқланиб, ижросини таъминлаш учун жойларга юборилади.

Республика бўйича жойлардаги ички ишлар идораларининг иш фаолияти давлат тилида олиб борилмоқда. Иш ва хизмат қозғалари, асосан, ўзбек тилида юритилмоқда.

Вилоят, шаҳар, туман ички ишлар идораларининг расмий муҳр ва тамгалари, иш қозғалари матнини давлат тилида, лотин алифбосида ёзиш таъминланмоқда. Ички ишлар идораларида хизмат фаолиятидаги ёзишмаларни амалга ошириш учун ўзбек тили ёзувига мўлжалланган ёзув машинкалари, хизмат компьютерлари ўзбек тили ёзуви дастурлари билан харид қилинмоқда.

Хизмат тайёргарлиги машғулотлари, маърифат дарслари ва тезкор йиғилишлар, асосан, давлат тилида олиб борилаяпти. Вазирликдан жойларга хизмат сафарларида чиқилганда бу масалаларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ички ишлар идораларида Республика Олий Мажлисининг 1995 йил 21 декабрдаги 2-сессиясида "Давлат тили ҳақида"ги Қонуннинг янги таҳририга биноан ва республикамизнинг 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган "Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида"ги Қонунини ҳаётга татбиқ этиш борасида ҳам қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда.

Ўз муҳбиримиз.

Respublikamizning barcha joylarida bo'lganidek Qoraqalpog'iston Respublikasi Ichki ishlar vazirligi tizimida ham o'zbek tiliga Davlat tili maqomi berilganining o'n yilligini munosib kutib olish maqsadida tadbirlar ishlab chiqildi va uni amalga oshirish ta'minlanmoqda. Jumladan, O'zR IIV ko'rsatmalarini bajara borib Nukus Davlat universiteti mutaxassis professor-o'qituvchilari bilan kelishgan holda lotin yozuviga asoslangan o'zbek alifbosini o'rganish kurslari tashkil qilingan. Bu kurslarda shaxsiy tarkibni bosqichma-bosqish, guruhlariga bo'lib o'qitish amalga oshirilmoqda. Kursni bitirganlarga maxsus guvohnomalar berilmoqda. Hozirgi kunda xodimlarimizning deyarli yarmidan ko'pi

kursni bitirib, guvohnoma olganlar. Ish yuritish, ish qog'ozlari asosan ona tilida olib boriladi. IIV tizimidagi deyarli barcha idoralardagi ko'rsatkich taxtachalari lotin yozuvidagi o'zbek alifbosi bilan yozilgan.

O'zbek tiliga Davlat tili maqomi berilganining o'n yilligini munosib kutib olish maqsadida 21 oktyabr kuni QR IIVda va uning joylardagi tizimlarida taniqli tilshunos olimlar bilan uchrashuvlar uyushtirish, ona tili va uning mustaqillikdagi ahamiyati haqida suhbatlar otkazishni rejalashtirdik va buni amalga oshirish uchun ustoz olimlar taklif qilindi.

I. PIRMATOV,
militsiya podpolkovnigi.

КЕЧИРИЛМАС ХАТО

Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тилидир.

Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратлади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 1-боб, 4-модда.

Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилгандан буён ўтган давр мобайнида она тилимизнинг софлиги, бойиб бориши, турли чет тиллардан кириб келган сўзларнинг ўзбекча муқобилини қайта тиклаб, ҳамма учун тушунарли ва осон талаффуз этилувчи ҳолга келтириш борасида жуда кўплаб ишлар амалга оширилди ва оширилмоқда. Шунингдек, тилимизнинг мусоффолиги борасида олиб борилаётган ишларда радио, телевидение суҳандонлари, оммавий ахборот воситалари ходимларининг хизматлари ҳам бекиёс бўлмоқда. Аммо...

Зилол сувли жилғанинг шилдираб оқиши, ёмғирнинг шивирлаб ёғиши, шаббоданинг саринлиги киши дилига ором беради, кўнгилларга роҳат бағишлаб, дилларни аллалайди. Лекин жилға суви шо-вуллаб-айқириб тошиб, тўғонларни бузиб оқса, аста ёғаётган ёмғир селга айланиб, ҳаммаёқни вайрон қилса, шаббода бўронга айланиб, ваҳшат солиб ўқирса – ҳеч бир инсон улардан завок олмайди.

...Шундай даргоҳлар бўладики, уларга бир бора кириш жуда кўпчилик учун ушалмас орзу бўлади. Бу даргоҳга бемалол кириб-чиқувчи, у ерда хизмат қилувчиларга ҳавас билан қаровчиларнинг ҳам саноғи бўлмайди. Ана шундай улуг даргоҳлардан бири – радио эшиттирилари берувчи идоралардир. Кимлар радиода бир бор "чиқиш"га орузуманд эмас? Бироқ бу – тинглайвераркан деб, мазза-бемаза, тутруқсиз гаплар билан тингловчининг асабига тегиш, унинг қимматли вақтини ўғрилаш дегани эмас!

Гапнинг индиалосини айтсак, Ўзбекистон радиосининг ёшлар учун берилаётган "Радиогранд"

эшиттирилари ҳамда Андижон радиоси томонидан эшиттирилаётган "Водий садоси" ўз муҳлис-ларига эга. Лекин минг афсуски, бу эшиттирилаларнинг айрим суҳандон қизлари ўзбек тилида сўзларни бузиб, ғализ, беҳшов талаффуз қилиш, кераксиз жойда урғу ишлатиш каби кечириб бўлмас хато-ларга йўл қўймоқдалар. Умуман, улар ёшларга бой ва жарангдор тилимизни тарғиб ва ташвиқ қилиш, сўз бойлигимиздан ўз ўрнида фойдаланиб, сўзларни тўғри талаффуз қилишни ўргатиш ўрнига гўё сўзни ўта кўпол шаклда, бузиб талаффуз қилиш борасида мусобақа ўйнаётганга ўхшайдилар. "Водий садоси"даги "эфирда сиз билан Нафиса" (жумлага эътибор беринг) деб эшиттириш олиб борувчи суҳандоннинг гапларига қулоқ тутаркансиз, унинг талаффузидаги жумаларнинг маъносиз, тумтарок, киши асабига тегадиган даражада бузилиб чиқишдан ташқари гўё ўзбек тилини кечагина ўрганган бошқа миллат вақилидек "қ", "ғ", "х", "у" харфларини "к" (кушик), "у" (уйнаб), "г" (галати), "х" (хайрон) шаклда гапиришини эшитиб "на-хотки Андижондек шаҳри азимда ўзбек тилини мукамал биладиган, ўзбекона тарзда талаффуз этадиган бирорта суҳандон топилмаган бўлса?" деб хайратга тушасиз. Гап келганда шуни ҳам айтиш керакки, "Водий садоси" эшиттирили-нинг табриклар бўлимида "ажойиб" ангилки яратилибди. Яъни, эндиликда бир шахс иккинчисини йўқламоқчи бўлса, исми-шарифини айтиб эмас, "фалон номерли "Тикко" машинасининг эгаси фалончижонга фалончихон салом йўллайди" тарзида айтилаётган

бўлибди. Наҳот, бир шаҳарда яшовчи икки шахс бир-бирига радиотўлқинлари орқали минглаб одамларга эшиттириб, вақтларини олиб салом йўллаши шарт бўлса? Ё бу ҳам машинали тўқисларнинг мактабиш усулларидан бирими?

"Радиогранд" ("Русча-ўзбекча лугат"да ёзилишича, "гранд" сўзининг маъноси "сарой аъёнлариға мансуб испан дворяни" дегани экан) эшиттиришига ҳам эътирозимиз бор. Бу ердаги айрим суҳандон сингилларимизнинг сўзларни ўта бузиб талаффуз қилишини айтиб ўтдик. Бундан ташқари, бу эшиттиришда тингловчилар билан "ҳа", "йўқ" ўйинини "ўйнайдиган" укамиз ҳам борки, унинг тингловчи билан "ўйнаган" ўйинини бир бора тинглаган одам "эссиз шунча вақт" демай иложи йўқ. Суҳандоннинг "ҳозир нима овқат еяпсиз?", "қайси овқатни яхши кўрасиз?" каби бачкана саволларини эшитган одамнинг эҳсоси қотиши табиий. Наҳот эфирда бундай чучмал саволлар ўрнига (шу бачкана ўйиннинг ўзи керакми?) "Қандай китоб ўқиясиз?", "мамлакатимизнинг қайси шахрида қайси тарихий обида қайта тикланаяпти?" каби ёшларнинг билим доираси, дунё-қараш, фикрлаш қобилиятини ўстирувчи саволлар бериш, бирон-бир маънили ўйин ўйлаб топишнинг иложи бўлмас?

Шунингдек, иккала эшиттириш суҳандонларига ҳам кўнғироқ қилиб "севгили"ларига салом йўлловчиларнинг шарқона ахлоқ-одоб меъёрларини бутунлай унут-ётганларини бир четга қўйиб, эфирда ана шундай "салом йўлловчилар" учун катта имкон яратиб бераётганлардан ўпкалашимиз керак.

Тилимизнинг ҳурмат қилиниши, ривожланиши давлатимиз томонидан таъминланиши қонун билан мустаҳкамланган экан, тилга ҳурматсизлик, унинг ривожига тўсқинлик қилиб, сохта овоз билан гапириб ғализ талаффуз қилиш, шу йўл билан ёшларга таъсир ўтказиш ҳам кечирилмас хатодир.

ШАҲЗОДА.

Қисқа сатрларда

САДҚАЙ РАИС КЕТ!

Нишон туманидаги "Гулистон" жамоа ширкат ҳўжалиги бошқаруви раиси Абдурасул Хуррамов ғалла ўғирлигига ўзи бошқош бўлибди деган гап дув тарқалди. Раис деган обрў сенга етмасмиди дея ичидан ачинганлар ҳам бўлди. Халқ ризқига панжа уриш ноқўрлигини наҳот у билмас. У тумандаги 132-автокорхона ҳайдовчиси Эшнатор Ҳолиқовга унга тегишли машинадаги 3920 килограмм бугдойни фуқаро Салим Бойтўраевнинг уйига олиб бориб тўкишни буюради. Ҳайдовчи ҳам раиснинг сўзини амри воҳиб билиб машинага ортилган бугдойни кўзланган манзилга элтиб ташлайди. Милиция ходимлари бу ўғирлик устидан чиқишди. Фуқаро С. Боймуродовнинг уйидан яна 2 тоннадан ортиқ халталанган бугдой олинди. Унинг қаердан олинганлиги тергов жараёнида маълум бўлади.

Қарангки, 3920 килограмм бугдой туман ғалла қабул қилиш пунктига топширилиши керак экан. Аммо ҳайдовчи машина рулини эгри йўлга солган. Ҳўжалик бошқаруви раиси А. Хуррамов ҳибсга олинди. Айни пайтда унинг хатти-ҳаракати терговчилар томонидан "ғалвир"да ўтказилаяпти.

ТУНГИ ҚАРОҚЧИЛАР

Оғзингни очиб юрсанг пашша кўнади, деган гап бор. Тоштемир Маҳмудов кеч соат 23лар чамасида йўлак бўйлаб келаётган эди, йўлини икки номаълум кимса тўсди. Маҳмуд тунги қароқчиларга қаршилиқ кўрсатиш ўрнига ўзини йўқотиб қўйди. Буни сезган безорилар бандадан келишди. Йўловчи эс-хушига келгандан кейин ўзининг таланганлигини ҳис этди. Ён чўнтагида 23 минг сўм пули ва 500 АҚШ долларини шилиб кетишибди. Фигонидан дуд чиқиб, у Қарши шаҳар ички ишлар бўлимига мурожаат қилди. Милиция ходимларининг саъй-ҳаракати билан тунги талончилар қўлга олинди. Улар А. ва Ю. исмли шахслар экан. Тергов жараёнида қароқчиларнинг қилмиши фош этилади.

ФИРИБГАР ФЕРМЕР

Фирибгарларнинг ҳам қўлланмаси бўлармиш деса эсхонангиз чиқиши табиий. Буниси эса жудаям антика ҳол. Нишон туманидаги "Туркманистон" жамоа ширкат ҳўжалигининг фермер ҳўжалиги бошлиғи Б. Т. дуч келган фуқародан бугдой олиб бериш эвазига ҳамир учидан патир қабилида пул олганлиги ғалвир сувдан кўтарилгандан кейин аён бўлди. У фуқаролар Х. Раҳ-

монова, Х. Бекназаров, Н. Элмонов, Э. Абрўевларнинг ҳар бирига 1000 килограмм бугдой олиб бериш эвазига улардан жами 71 минг сўм пулни олиб қайтариб бермаган. Мазкур шахс устидан жиноят иши кўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

КЎЗА КУНИДА СИНАДИ

Шахрисабз туманидаги 4-ўрта мактабнинг 6-синф ўқувчиси Ўлмас Тошев отаси Жўра Тошевга тегишли ВАЗ 2106 русумли, А 83-04 ҚФ давлат белгили автомашина рулига ўтириб кўчага ҳайдаб чиқади. У шаҳарнинг Алпомиш кўчаси бўйлаб машина рулини бошқариб бораркан, ўзида йўқ хурсанд эди. Аммо унинг шодлиги узоққа чўзилмади. Рўпарадан чиққан "Дамас" машинасига кўзи тушиши билан ўзини йўқотиб қўйди. Натижада машиналар тўқнашуви ҳолати юз берди. "Дамас" машинасида бўлган йўловчилардан уч киши турли тан жароҳати олиб ши-фохонага ётқизилди. Кўза кунда эмас, кундада синди деганлари шу бўлади. Ўзбошимчалик ҳам отага, ҳам болага ва уч йўловчига қимматга тушди.

Ў. ҲАЙДАРОВ,
милиция майори.

Рустам ТУРФУНОВ
милиция капитани.